

Алихон Муллаохун ўгли Оразий 1869 йилда собик Маргилон уезди Шахрихон волостининг Кашкар махалласида кулол оиласида тугилди. Алихон Оразий ёзиш ва ўкишни дастлаб ўз онасидан ўрганди. Сўнгра махалласидаги отинбибида ўкишни давом эттириди. У 1884—1890 йилларда Шахрихондаги Дастурхончи мадрасасида тахсил кўради. Бирок, рўзгор танглиги унга мадрасани тугатишга имкон бермади. У 1890 йилдан эътиборан рўзгор тебратишда отасига кўмаклаша бошлайди ва кулолчилик дастгохини бошкаради. У бирмунча вакт бойлар эшигига, козихоналарда ишлади. Лекин бўлажак шоир тинмай шахсий мутолааани давом эттириди.

1916 йил Шахрихонда Николай подшохнинг мардикор олиш сиёсатига карши кўтарилиган халк кўзголонида Оразийгина эмас, унинг катта ўгли Абдумўмин ва кадрдон дўсти Хайратийлар хам иштирок этди. Галаён шафкатсизлик билан бостирилгандан сўнг, шоир яшириниб юришга мажбур бўлди.

Адабиёт даргохига катта эътиқод билан кириб келган шоир умрининг сўнгги йилларигача ижод билан банд бўлди.

Шоир Алихон Муллаохун ўгли Оразий 1942 йили 1 сентябрда Шахрихонда вафот этди.

МУХАММАСЛАР

* * *

Ушбу жаҳон элининг даъвоси пул эмасми?
Тун-кун дилида севган зебоси пул эмасми?
Бу ҳалкнинг шунча шўриш-гавгоси пул эмасми?
Бир-бирига тухмат айлаб, игвоси пул эмасми?
Макру фириблар айлаб, савдоси пул эмасми?

Махбуби ом ўлмиш ҳар ерда бўлса олтин,
Ҳар кимга жилва айлаб бир бокса килди мажнун,
Лекин бу кўхна гардун ҳар кун бўлар дигаргун,
Билмам асиру зорми олтинга коф ила нун,
Махлуклар ичиди аълоси пул эмасми?

Кимларни килди кўрдик: тунларда томтешарлик,
Кўпларнинг касби бўлди, бас, акчадон кесарлик,
Пул деб не нозанинлар бўйнига олди гарлнк,
Ширин тамок ўлди ахли риё ҳазарлик,
Ҳар кўчаларда сур-сур, хо-хоси пул эмасми?

Ҳар кимда бўлса пул кўп, кимни кўзига илгай,
Парвойига кетурмас, олам бори йигилгай,
Хеч акл чора килмай, ё бошича йикилгай,
Кўпдир гурури кайфи, ким топди, ўзи билгай,
Бу даҳри пурфусуннинг мийноси пул эмасми?

Кўрдингми канча инсон касб айлашур гадолик,
Бир канчаси кўйиб от, ўзига мосуволик,
Кўлда риёйи тасбех, бўйни бўлиб ридолик,
Бу холига уялмай, ўзини дер хаёлик,
Кўрсатган элга итдек суллоси пул эмасми?

Ўлдиргай ўз отасин якбора топса фурсат,
Мушфик онасини хам согай бошига кулфат,
Парвойига келарми бошига ёгса лаънат,
Пул завки тушган инсон килмас кишига шафкат,
Бу холларга соглан, устоси пул эмасми?

Кўрдингми канча одам парсиз хавога учгай,
Аслини топмок учун авжи самога учгай,
Максадга чин етолмай дорилбакога учгай,
Сиз хам фикрланг, ўйланг, не муддаога учгай,
Эл оғзида дейилган Анкоси пул эмасми?

Бирмунча бахши, күшнач, бирмунчамиз дуохон,
Топгаймиз илми найранг, бўлгаймиз анча эшон,
Дасмоямиз кифоя, хар кунда канча ёлгон,
Бизларнинг макримиздан шайтон бўлди хайрон,
Туш ухламай кўрармиз восвоси пул эмасми?

Не яхши меҳрибонни айирди бир-биридан,
Кўрдингми зўр айлар хотинни ўз эридан,
Сарсон килиб чикаргай кўп элни ўз еридан,
Тондирди кўп хасисни устод или пиридан,
Хунсо элин ишонган ошноси пул эмасми?

Суратга бергай оро, сийратда нёча хил гаш,
Рангин асолар ушлаб, хам салла-тўн мунаккаш,
Эшон мурид овлаб хар кўчаларда каш-каш,
То топди бой, мулло бир-бирисидин аиш-айш,
Тун кечаларда маҳфий яллоси пул эмасми?

Гап пулдадир мукаррап, кўп бунча килма инкор,
Токайгача демасмиз ёлгончилик на даркор,
Тўрт кунлик умр дерсан, килсанг-чи, энди бир ор,
Хозирда кўп очилди бир канча маҳфий асрор,
Жаннатда жой олишнинг ваъдаси пул эмасми?

Пул деб тамоми инсон, эй муддайи нодон,
Минг хил фириб бирлан хар кўчаларда нолон,
Хеч борми юз ўғирган кофир ва ё мусулмон,
Ким деса «хохламасман», албатта билки ёлгон,

Олам мисоли дарё — гаввоси пул эмасми?

Тарк айлатиб ватанни, келтирди Андижонга,
Ўлтиrsa хам бу ерда, кўзидир хар каёнга,
Оразнинг токати йўқ хар рангли унвонга,
Уйгурлар одат этмиш ўзбек каби имонга,
Шарму хаёга голиб дадоси пул эмасми?

* * *

Кутилмок йўкми, ёраб, ушбу золим агниёлардин,
Чикиб ердин хавога ўрлаган кибру хаволардин,
Сўрарга камбагалнинг конини хуш иштахолардин,
Кўзи оч, ўзи суллоҳликда ортуқдир гадолардин,
Уялмай лоф ураг савдо-сотик, банку широлардин.

Тамоми халк бошига бало Андижонда Миркомил,
Жафокашларнинг мулкин тортиб олмокка хўп омил,
Дегайсен: «Камбагал дехконнинг ашёсига азройил,
Жаҳонни килди холо пул кўпайтирмок билан койил,
Еру сув, молу мулки — барчаси гасбу риёлардин!»

Хушомад бирла барча козию мингбоши хизматкор,
Тамоми муфти, аълам «ер хатин» ёзмок учун тайёр,
Топарга бой кўнглин хар неча хукм этмокка жарор,
Писанд этмайди минг дехконга хар кун етса минг озор,
Кўрармиз кунда хар хил неча ранг жабру жафолардин,

Анга карши чикиб Ахмадбек хожи бой афандимдур,
Мударрис, мулла рухоний гурухига бўлиб манзур,
Бу хам бир неча дехконларни ишлатмок била масрур,
Унинг макру фириби барча оламга бўлиб машхур,
Ривожи кун-букун бололанур ёлгон дуолардин.

Кўконда Солижону Маргилонда Саййид Ахмаджон,
Кувода бой Олиму Шахрихонда яна икки жон,
Тарафкаш Саид Одил, Ахмадохунлардадур жавлон,
Асака Тешабой хожиу Обиджон билан сарсон,
Ва лекин хеч бир ер бўш эмас бундог балолардин.

Тамоми касби холо савдогар номида судхўрлик,
Хушомад йўлида кўп шайху эшон килмади гўрлик,
Буларнинг хизмати-чун камбагал дехконда мажбурлик,
Тасарруф килмокка ўз мулкини хар кимда йўқ хурлик,
Умид йўқ ошною балки пиру пешволардин.

Риёхўрликнинг таълимига мохир муфтию аълам,
Йўқ ўлди порасиз кози бўлиш балки имомат хам,
Инобатликми элликбошиносиз хеч ким уролмас дам,
Улар хар кайси бир бой ихтиёри бирла мустахкам,
Тарикча йўқ буларда хеч хам шарму хаёлардин.

* * *

Кўнгил ором бирлан тургулик бир жой топилмайди,
Мувофик ёри содик топилурму ё топилмайди,
Килай арзим десам ул ёра, бир танҳо топилмайди,
Ажаб бир хола колдим, максудим асло топилмайди,
Килурман ўз-ўзимча оху вовайло, топилмайди.

Кўнгил мулкини торож этгали берганмикан буйрук,
Назар холимга солмай хар тарафдан ёгдирурлар ўқ,
Кима хам арз этарман дилдаги дардимни мен мунглук,
Дилим восвос, жисмим турфа бир мажруху малхам йўқ,
Ва ё соҳнбнафас бир химмати аъло топилмайди.

Юарман чора излаб дафъ бўлгайму машаккат деб,
Кўзимга ким кўринса жавдирарман, борми шафкат деб,
Улим бехрок дерман халк ногох килса нафрат деб,
Борарман чора излаб хар эшикка «ё хакикат» деб,
Савол айлаб хакикат килгучи доно топилмайди.

Юрак дардини кўрсатмокка мумкинми ёриб, тилмок,
Билинди, йўқ экан такдир тоши ўрнидан жилмок,
Агарчи фарз экан оламнинг корин ўқимок, билмок,
Менга одат хам эрмас, холи олам шиквасин килмок,
Килурга дафъи гам бир нотики гўё топилмайди.

Килурман орзу келганмикан деб менга бир хамдаст,
Таажжубдан таажжуб кеча-кундуз гам келар пайаст,
Ракиблар канча бололанса, мен хам шунча бўлгум паст,
Нетай афсусланмай толеимдур уйку бирлан маст,
Уни уйгатгудек бир нозанин барно топилмайди.

Масалдур эскилардан: «Бошга хар иш келса, кўз тортар»,
Билармукин замондан нолиган ким бирла нар ўйнар,
Билолмам сурат ороларни холат модаму ё нар,
Мухаббат ахли зеболарни кўрса кўз ёши ортар,
Качон гул фасли ўтса булбулигўё топилмайди.

Ярашгайму, ёронлар, ухламай туш кўрса инсонга,
Караб турмоқдадирмиз шунча ёлгон текса хам жонга,

Гараз хамёнми ёки нон учун ўт кўйса имонга, .
Йўқ асло эътиқодим бахши, эшону дуохонга,
Ўкиб килган амал илмига бир воло топилмайди.

Муродим маънилик хак сўзга хар кандог кўнгил эргай,
Фаросат ахли хар бир киссадан сўз гавхарин тергай,
Олай таълим деб устода, борсам елкасин кергай,
Бугун бир, эрта у хил кор кил деб сабок бергай,
Не дерман, Оразо, бир йўлу бир имло топилмайди.

ЭЙ ПАРИ!

Эй пари, бошинг хаки, холимга бир наззора кил,
Сурати холим кўриб, инсофа кел, бир чора кил,
Лутф кил, хохи газаб, мен зор хизматкора кил,
Хар качон хуснинг закотин мустахик бечора кил,
Илтифотинг ташнаи дидор ўлан хуммора кил.

Чорасизликдан дегайман, зулм килсанг майлига,
Тиги мужгонинг билан багримни тилсанг майлига,
Бўлмади дардим яширмок, энди билсанг майлига,
Хўпмидир, дебсан: «Ракиблардан сикилсанг майлига»,
Мендаги максад йўлида, хохласанг, минг пора кил.

Аввали хўп меҳрибонликларни килдинг ноз ила,
Хар савол этсам жавоб айдинг ширин эъзоз ила,
Гоҳ ўкиб «Гулёр», гоҳ «Ушшок», гоҳ «Шахноз» ила,
Тенг бўлолмас хеч махваш сен каби танноз ила,
Хўб эмас куйган жарохатга сепиб туз, ёра кил.

Оҳким, хажрингда мундог зор ўлай токайгача,
Гайрлар олдида айши тор ўлай токайгача,
Зор йиглаб ташнаи дидор ўлай токайгача,
Ёд этиб ўтмишни, миннатдор ўлай токайгача,
Сизга ким ўргатди: «Ошикларни баҳтин кора кил!»

Булбулингман, нола айлай, эй юзи гул, ёр-ёр,
Арз этай хасратларимни, сенга йиглаб зор-зор,
Кулмагил, санчилса багримга агар минг хор-хор,
Нотавон кўнглимда васл уммедидан ахбор бор,
Йўл юриш таълимини товуси хуш рафтора кил.

Ишк завкини билурму худпараст нопоклар,
Васл кадрин кайда билгай булхавас бебоклар,
Шод эмас жаннатга кирса, хажрдан гамноклар,
Чекмак ўлмас Оразийдек охи оташноклар,

Үргилай, бир йўл хироминг сахнаи гулзора кил.

БАХОР АЙЁМИ КЕЛДИ

Бахор айёми келди, эй кўнгил, жононингга роз эт,
Сахарлар нола айлаб, шавқ ила булбулдек овоз эт,
Рнёли зуҳду такводан кечиб, майхонага боз ет,
Ўзингни неча кунлар дайр пири бирла дамсоз эт,
Оёга бош уриб, мугбачаларни хўш сарафroz эт.

Юриб бебоклардек бефикр, бекор ўлтирма,
Ингитсан, мард бўлсанг, ўлгунча бемор ўлтирма,
Кими бекор кўрсанг бўлди бир кун хор, ўлтирма,
Маишат йўлига меҳнат эрур даркор, ўлтирма,
Сенга фазлу хунар ўргатгучилар бўлса эъзоз эт.

Ёгиб борони раҳмат хар гиёҳда турли хангома,
Замин зеболанибдур сабза баҳмалдан кийиб жома,
Бу овози фараҳбахшида, вахким, тушмишам дома,
Сабо, еткур мени дилхастадин ул ёра бир нома,
Дебон ошиклара эҳсон учун хуснингга пардоз эт,

Бугуннинг лаззати-чун хўп мухаббат бодасин нўш эт,
Тамоми ахли мажлисни наво сози ила хуш эт,
Муганий, сен хам энди килмай истигно, сўзим гўш эт,
Рубобу чангу сетора гаҳи панжанг дар оғўш эт,
«Баёт», «Ушшок» ила «Гулёр», «Ирок» олдида «Шахноз»

Бурунги лаззатидан Оразий эркан ажаб содда,
Ки энди нўш этиб бўлмиш жунун даштига омода,
Хамокатдан эмишким, ўтмиш айёмин олур ёда,
Менга бўлди асос ўрнида бу оку кизил бода,
Узат, бир ок ичай, эй сокиё, хам каддими гоз эт.